

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 21ноябрь -26ноябргача)**

№11

Тошкент – 2016

Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза килди.

Тошкент шаҳри замонавий қиёфаси, йирик саноат корхоналари, мухташам иншоотлари, илм-фан марказлари, сўлим боғ ва хиёбонлари билан дунёга машҳур. Тошкент мамлакатимизнинг асосий интеллектуал маркази, халқимизнинг фаҳри ҳисобланади. Пойтахтимизда 324 мактаб, 122 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 39 олий ўқув юрти, 47 илмий-тадқиқот муассаса ва марказлари фаолият кўрсатмоқда. 13 театр, концерт заллари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ишлаб турибди. "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Маърифат маркази ва бошқа кўплаб иншоотлар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Номзоднинг дастурида мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Саноатни диверсификация ва модернизация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини мустаҳкамлаш ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Учрашувда иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар пойтахтимиз салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ҳаёт фаровонлигини муттасил оширишда асосий омил бўлаётгани таъкидланди. Пойтахтимизда тиббий ва коммунал, транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг маданий дам олиши учун кенг шароитлар яратиш, аҳолини шинам ва арзон уй-жойлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтказилди. Пойтахтимизнинг барча туманларидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси Т.Даминов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Г.Мельникова, Олмазор туманидаги "Гузарбоши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Эргашев, Қозоқ миллий маданият маркази фаоли Р.Қўширбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Э.Шукуров, ФИФА рефериси Р.Эрматов, Мирзо Улуғбек туманидаги "Катта Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Н.Жабборова, Олмазор туманидаги "Ачаобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Ҳикматов, Тошкент шаҳар "Камалак" болалар ташкилоти раиси Б.Мирзаев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган бекиёс ўзгаришлар пойтахтимиз мисолида ҳам яққол ифодасини топаётганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Хатамжон Кетмоновнинг Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашуви Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 24 ноябрь куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Т.Норбоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ч.Жумақулов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Сурхондарё вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни, табиий имкониятлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида ана шу салоҳият ва имкониятларни воҳа аҳли, бутун халқимиз манфаатлари йўлида ишлатиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Вилоят иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланмоқда.

Тўпаланг гидроэлектростанцияси, Жаркўрғон нефтни қайта ишлаш заводи, "Шарғун кўмир", "Хўжаикон туз" акциядорлик жамиятлари, "Хонжиза" конбойитиш мажмуаси каби йирик саноат корхоналари мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 75 фоизга, ҳудудий экспортдаги улуши 58 фоизга етди. Меҳнат билан банд аҳолининг 80 фоизи ана шу соҳада фаолият кўрсатмоқда.

Дастур партиянинг ғоя ва дастурий мақсадларига, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси

фракциясининг парламентдаги кўпчилик – демократик кучлар блокига нисбатан ўзини мухолифат, деб эълон қилгани, бу мухолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларга асосланиши таъкидланди.

Корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги “коллеж – корхона” алоқаларини йўлга қўйиш, ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналар ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, ушбу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш ва йирик корхоналарга касаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали жисмоний имконияти чекланган шахсларни касаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Дастурда ўқиш учун шартнома пулини тўлашга қийналаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига шартнома пулларини тўлаётган корхоналарни рағбатлантириш, имтиёзли ва бепул малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Олтинсой тумани бандликка кўмаклашиш маркази директори Б.Тоғаев, Термиз шаҳридаги 2-оилавий поликлиника бош шифокори О.Жўраева, Термиз шаҳридаги 24-мактабгача таълим муассасаси мудираси Д.Абдуллаева ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдирди. Сайловчиларни Ватанимиз келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Марказий сайлов комиссияда учрашув

Шу йил 25 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясида Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонасининг иккинчи котиби Ямагива Кадзуюэши билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси котиби С.Курбонқулов меҳмонни Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан жорий йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини янада такомиллаштириш мақсадида қонун ҳужжатларига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар билан таништирди.

Мулоқот чоғида сайлов кампанияси очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таклифига асосан сайловни кузатишда 5 та халқаро ташкилот миссиялари ва 40 дан зиёд хорижий давлат, шу жумладан, Япониядан кузатувчилар иштирок этиши таъкидланди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлиси

25 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситалари орқали сайловолди ташвиқоти жорий мониторингининг дастлабки натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда сайловолди ташвиқотини олиб боришда тенг шароитлар таъминланаётгани алоҳида таъкидланди. Номзодлар жорий йилнинг 28 октябридан бошлаб мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз ғоя ва қарашлари, таклиф ва ташаббуслари акс этган сайловолди дастурларини сайловчилар, умуман, кенг жамоатчиликка етказишга йўналтирилган кенг кўламли ташвиқот тадбирларини олиб бормоқда. Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари барча сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилмоқда.

Номзодлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле- ва радиоканалларида, ҳудудий теле- ва радиоканалларда бепул эфир вақтидан самарали фойдаланмоқда. Шунингдек, улар "Халқ сўзи", "Народное слово", "Правда Востока", "Нурлы жол" ва "Овози точиқ" газеталари, ҳудудий газеталарда ажратилган бепул нашр майдонидан ҳам ташвиқот мақсадида унумли фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар партиялар газеталарида ҳам сайловолди кампаниясини олиб бормоқда, Интернет нашрлар имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари номзодларнинг сайловолди ташвиқотини кенг ёритиб бормоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, номзодлар ва оммавий ахборот воситалари "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 3 октябрда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий амал қилиб келмоқда. Номзодлар сайловолди ташвиқотининг ўтган даврида сайлов қонунчилиги бузилиши ҳоллари қайд этилмади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси аъзолари овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларини кўриб чиқди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида барча

бўғиндаги сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган катта иш олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун сайлов участкалари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси тузилди. Улар овоз беришни ўтказиш учун барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ҳар бир сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақида ахборот мавжуд. Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Теле- ва радиоканалларда сайлов санаси ҳақида ахборот роликлари, муддатидан олдин овоз бериш, сайлов куни овоз бериш ва сайлов бюллетенини тўлдириш тартиби, шунингдек, участка сайлов комиссияларининг сайлов кундаги фаолияти ҳақида кўрсатув ва видеороликлар эфирга узатилмоқда.

Ҳозир сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имконияти бўлмаган сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериш жараёни давом этмоқда.

Мажлисида халқаро ва хорижий кузатувчиларни, оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бугунги кунга қадар сайлов кампаниясини ёритиш учун Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари томонидан юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 300 дан зиёд ходими аккредитациядан ўтказилди. Уларни зарур ахборот материаллари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари фаолият юритмоқда, матбуот анжуманлари, брифинг ва семинарлар ўтказилмоқда.

Овоз бериш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ягона компьютер тармоғи яратилган бўлиб, бу сайлов куни овоз бериш жараёнини онлайн режимида кузатиш, мамлакатимиз ҳудудлари билан видеоалоқа орқали мулоқот олиб бориш имконини беради. Марказий сайлов комиссияси сайлов куни жамоатчиликни овоз беришнинг бориши ҳақида 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида бўлиб ўтадиган онлайн брифинглар орқали хабардор қилиб боради.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Журналистлар учун эслатма

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича халқаро кузатувчилар фаолиятини самарали ёритиш мақсадида халқаро ва хорижлик кузатувчилардан интервью оладиган журналистлар учун “саволнома” ишлаб чиқилди. Интервью уч босқичда ўтказилади. Интервьюга тайёргарлик кўрилатганда қуйидаги тезислардан асосий йўналишлар сифатида фойдаланиш тавсия қилинади:

- Овоз бериш кунига бўлган даврда (4 декабр гача)

- Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ютуқлари ҳақида;
- давлат ҳокимияти органлари тизимида Президент институти роли, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда унинг аҳамияти ҳақида;
- Президент сайловида сиёсий партиялар ролини ошириш ҳақида;
- Президентликка номзодлар ўртасидаги кучли рақобат, демократик сайловларнинг Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ҳақида;
- мамлакатдаги тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик Президент сайловини муваффақиятли ўтказишнинг кафолати ҳақида;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилиши ҳақида;
- сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий қилингани хусусида (халқаро ташкилотларнинг сайловни кузатиш миссияси вакилларида интервю);
- Ўзбекистон сайлов тизимининг ўзига хосликлари (халқаро кузатув ва сиёсий партиялар кузатувчилари институтининг жорий қилингани) ҳақида;
- Президент сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш юзасидан Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида;
- сайлов кампаниясини олиб боришнинг очиқ ва ошкоралиги ва шунингдек, уни молиялаштириш манбалари хусусида;
- сайловолди ташвиқотини олиб бориш даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда президентликка номзодларга тенг имкониятлар яратилгани ҳақида (хорижий мамлакатлар парламенти ва оммавий ахборот воситалари вакилларида интервю);
- сайлов қонунчилиги талабларига қатъий амал қилиш ҳамда қонун устуворлиги ҳақида;
- сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар томонидан ОАВ имкониятларидан самарали фойдаланиш, сайловчилар билан учрашувлар, партиялараро рақобат хусусида;
- сайловолди ташвиқотини нафақат овоз бериш куни, балки сайловга бир кун қолганда ҳам олиб боришга йўл қўйилмаслиги ҳақида;
- овоз бериш кунига қадар беш кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норманинг аҳамияти тўғрисида;
- сайлов қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишдаги демократик тамойилларни янада мустаҳкамлайдиган, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга қаратилган сайлов амалиётининг такомиллаштирилаётгани ҳақида;

- очиклик ва шаффофлик шароитида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари, шунингдек, сайлов жараёнларига кузатувчиларнинг аралашувиغا йўл қўйилмаслиги ҳақида (халқаро ташкилотларнинг сайловни кузатиш миссияси вакилларида интервью);
- сайлов қонунчилиги ва амалиётининг ижобий жиҳатлари хусусида;
- тиббиёт хонаси ҳақида;
- сайлов участкаларидаги пандуслар ва ногиронларнинг овоз бериши учун алоҳида кабиналар ҳақида;
- кўзи ожиз сайловчиларга мўлжалланган Брайл алифбоси асосидаги сайлов бюллетенлари ҳақида;
- сайловга таклифномада сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ёрлиғи (эмблемаси) акс этирилгани хусусида;
- овоз бериш, олдиндан овоз бериш, бюллетенни тўлдириш тартиби ва амалиёти ҳақидаги инфографика ҳақида;
- сайлов участкаларини жиҳозлаш ва участкаларнинг сайлов кунидаги иш тартиби ҳақидаги ўқув фильми ва бошқалар ҳақида.

4 декабрь – сайлов куни

Репортажлар:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига овоз беришнинг бориши хусусида;
- сайловчилар фаоллиги, сайлов жараёнининг очиклиги ва ошкоралиги ҳақида;
- халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар ва маҳаллий кузатувчилар иштироки ҳақида;
- сайлов жараёнининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётгани ҳақида;
- овоз беришнинг ташкил этилиши ҳақида.

5-7 декабрь кунлари сайловнинг натижалари хусусида

- 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юзасидан халқаро миссиялар кузатувчилари фаолиятининг якунлари ҳақида ахборот;
- сайловчиларнинг эркин иштироки ҳақида;
- яширин овоз бериш принципларига риоя этилгани хусусида;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш, ташкил қилиш ва уни ўтказишдаги ўзига хосликлар ҳақида;
- фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини билдиришни назорат қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида;
- сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнлари уюшқоқлик билан ташкил этилгани, мустақил сайлов комиссиялари, Марказий сайлов комиссиясининг сайловларнинг асосий ташкилотчиси сифатидаги роли хусусида;
- партиялараро рақобат кураши хусусида;
- сайловларнинг муқобиллиги ҳақида;
- халқаро кузатувчиларнинг иштироки;

- сайловчилар, шу жумладан, хотин-қизлар, ёшлар, ҳарбий хизматчилар, кексалар, имконияти чекланган шахсларнинг юксак фаоллиги Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик масъулияти ошиб бораётганининг амалий ифодаси экани ҳақида;
- сайлов жараёнининг транспарентлиги ва очиклиги ҳақида.

Халқаро кузатувчилар муносабати

Сайловни ўтказиш сайлов қонунчилиги, халқаро стандартлар ва демократик принципларига қатъий амал қилинган ҳолда амалга оширилгани юзасидан халқаро кузатувчиларнинг муносабатлари.

Хитойда электростанциядаги ҳалокат бўйича 9 киши ҳибсга олинди

Хитой полицияси душанба куни қурилаётган электростанциядаги ҳалокат иши юзасидан тўққиз кишини ҳибсга олди. Улар 74 кишининг ҳаётига зомин бўлган ҳодиса туфайли жиноий жавобгарликка тортилиши кутилмоқда, деб хабар бермоқда “Синхуа” агентлиги полицияга таянган ҳолда.

Эслатиб ўтамиз, ноҳуш воқеа Хитой шимолидаги Цзянси провинциясининг Фэнчэн шаҳар округида 25 ноябрь куни юз берган. Электростанциянинг қурилаётган совутиш минораси кулаб тушиши оқибатида 74 киши ҳалок бўлиб, яна икки киши жароҳатланган.

Агентлик маълумотларига кўра, ҳибсга олинганлар орасида Yineng Tower Engineering Co. Ltd. компанияси бошқарув кенгаши раҳбари ва объектнинг бош муҳандиси бор.

ОАВ: Ленинград вилоятида автобус бекатида граната портлади

Дастлабки маълумотларга кўра, Россиянинг Ленинград вилоятида автобус бекатида граната портлаши оқибатида бир киши ҳалок бўлди, яна 4 киши жароҳат олди, деб вилоят фавқулодда хизматларидаги манбага иқтибос келтирган ҳолда РИА “Новости” ахборот агентлиги хабар бермоқда.

"Ленинград вилояти Паша аҳоли пунктида номаълум қурилманинг, дастлабки маълумотларга кўра гранатанинг, автобус бекатида портлаши оқибатида 5 киши жабрланди, улардан бири ҳалок бўлди, 4 нафари шифохонага етказилди", деб айтди манба.

Манбанинг айтишича, воқеа жойида тезкор-тергов гуруҳи ишламоқда. Воқеа тафсилотлари ўрнатилмоқда.

Маҳаллий ОАВларнинг маълум қилишича, дала ҳовлида турган эркаклардан бири бошқа бир киши билан можарода жанговар гранатани қўллаган. Таъкидланишича, граната портлаши оқибатида эркак билан ихтилофга борган бошқа эркакнинг қўли узилиб кетган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 4 киши бекатда спиртли ичимлик ичиб ўтирган. Улар орасида можаро чиққан. Эркаклардан бири кетиб, граната билан қайтиб келган. Бошқа эркак унинг қўлидан гранатани тортиб олмоқчи бўлганда, портлаш юз берган.

Хитойда электростанциядаги ҳалокат бўйича 9 киши ҳибсга олинди

Хитой полицияси душанба куни қурилаётган электростанциядаги ҳалокат иши юзасидан тўққиз кишини ҳибсга олди. Улар 74 кишининг ҳаётига зомин бўлган ҳодиса туфайли жиноий жавобгарликка тортилиши кутилмоқда, деб хабар бермоқда “Синхуа” агентлиги полицияга таянган ҳолда.

Эслатиб ўтамиз, ноҳуш воқеа Хитой шимолидаги Цзянси провинциясининг Фэнчэн шаҳар округида 25 ноябрь куни юз берган. Электростанциянинг қурилаётган совутиш минораси қулаб тушиши оқибатида 74 киши ҳалок бўлиб, яна икки киши жароҳатланган.

Агентлик маълумотларига кўра, ҳибсга олинганлар орасида Yineng Tower Engineering Co. Ltd. компанияси бошқарув кенгаши раҳбари ва объектнинг бош муҳандиси бор.

ОАВ: Ленинград вилоятида автобус бекатида граната портлади

Дастлабки маълумотларга кўра, Россиянинг Ленинград вилоятида автобус бекатида граната портлаши оқибатида бир киши ҳалок бўлди, яна 4 киши жароҳат олди, деб вилоят фавқулодда хизматларидаги манбага иқтибос келтирган ҳолда РИА “Новости” ахборот агентлиги хабар бермоқда.

"Ленинград вилояти Паша аҳоли пунктида номаълум қурилманинг, дастлабки маълумотларга кўра гранатанинг, автобус бекатида портлаши оқибатида 5 киши жабрланди, улардан бири ҳалок бўлди, 4 нафари шифохонага етказилди", деб айтди манба.

Манбанинг айтишича, воқеа жойида тезкор-тергов гуруҳи ишламоқда. Воқеа тафсилотлари ўрнатилмоқда.

Маҳаллий ОАВларнинг маълум қилишича, дала ҳовлида турган эркаклардан бири бошқа бир киши билан можарода жанговар гранатани қўллаган. Таъкидланишича, граната портлаши оқибатида эркак билан ихтилофга борган бошқа эркакнинг қўли узилиб кетган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 4 киши бекатда спиртли ичимлик ичиб ўтирган. Улар орасида можаро чиққан. Эркаклардан бири кетиб, граната билан қайтиб келган. Бошқа эркак унинг қўлидан гранатани тортиб олмоқчи бўлганда, портлаш юз берган.